

432
Ш07

ШУҲРАТ

ТАЙЛАНГАН
АСАРЛАР

1

У32

Ш97

ШУҲРАТ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Уч жилдлик ● Биринчи жилд

Шеърлар
Туркумлар
Тўртликлар
Ҳажвлар
Болаларга
Тар *лар*

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978



Уз
Ш 97

Шухрат.

Танланган асарлар. 3 жилдлик. Сўз боши муаллифи:
М. Қўшжонов. Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

1-жилд: Шеърлар. Туркумлар. Тўртликлар. Ҳажвлар.
Болаларга. Таржималар. 560 б.

Қўлингиздаги ушбу китобга атоқли адиб ва шоир Шухратнинг турли йилларда ёзилган шеърлари жамланди. Муаллифнинг «Жангчи блокноти», «Кавказ дафтари», «Дунай соҳилларида», «Одамлар ва обидалар» туркумлари шоир ижодида алоҳида ижодий босқич бўлди. Бу мажмуадан унинг болаларга аталган шеърлари, ҳажвлари, тўртликлари ва таржималари урин олган.

Шухрат. Избранные произведения. В 3-х т. Т. I. Стихи. Циклы стихов. Четверостишье. Сат. стихи. Детские стихи. Переводы.

Уз

Ш $\frac{70403-215}{352 (06)-78}$ 139-78

Ўзбек адабиёти кейинги йилларда кучли оқим бўлиб катта йўлга тушиб олди. Бу йўлда у ўзига хос истеъдод эгалари бўлмиш, фақат иттифоқ миқёсида эмас, балки дунё китобхонларига маълум бўлиб бораётган адиб ва шоирларни етказди. Эндиликда ўзбек ёзувчилари ўз миллий адабиёт қобигини ёриб чиқиб, кенг кўламли тематикага қўл урадиган, бутун ер курраси ташвишлари билан яшаб, умуминсон тақдири, келажаги, қисмати хусусида фикр юритадиган бўлиб қолди. Кейинги йилларда адабиёт майдонига кириб қалам тебратаётган ҳар бир ўзбек ёзувчисининг ижоди бизнинг бу фикримизнинг далили бўла олади. Мен бу ерда шулардан бири — шоир, адиб, драматург Шўҳрат ҳақида икки огиз сўз айтмоқчиман.

Мана менинг иш столимда Шўҳратнинг ҳар хил — катта-кичик, ранг-баранг безакларда 30—40 йил давомида ҳар хил шаҳарлар, ҳар хил наشريётларда чоп этилган китоб ва китобчалари. Булар ичида унинг ўнлаб шеърий китоблари ва йирик учта романи бор. У 1969 йилда асарларини йиғиб уч томлик танланган асарларини ҳам нашр қилдирди. Бу китоб ва китобчаларни варақлайман. Варақлаб бу сермахсул адиб ва шоир ижоди хусусида бир зум хаёл сураман: у нималар тўғрисида ёзмаган, нималарни ўзининг поэтик олаmidан, адиблик мушоҳадасидан ўтказмаган, ҳаётнинг қайси бир томони билан қизиқмаган, нималарни кўриб, эшитиб изтироб чекмаган, нималарни ҳис қилиб чексиз қувонмаган? Ўзимни кўп уринтирмасдан жавоб топаман. У ўзи яшаб ижод этган давр ҳаётининг ҳамма томонлари билан қизиқди, ҳис қилди, фақат бугина эмас, кўрган-кечирганлари асосида пайдо бўлган ҳиссиёт оламига бошқаларни ҳам

шерик қила олди. Ўзи ўсиб-улғайган она-Ватани, унинг ўзига ярашган урф-одатлари, ҳаёт ва меҳнат тарзи, қўлга киритган ютуқлари, ҳусни жамоли — булар ҳаммаси Шухратни қизиқтирди. У нималар тўғрисида ёзмасин, ўзининг қандай ҳис ва туйғуларини изҳор қилмасин, унинг асарлари «халқ», «ватан», «эл» тушунчалари билан бошланади, шу тушунчалар билан тугалланади. Зотан, у ўзининг бутун ижодини «элга бир ёдгор» деб билади.

Шухрат ижодининг асосий объекти инсон — унинг ҳис-туйғулари, унинг ҳар хил фаслдаги, унинг ҳар хил босқичдаги сирли кечинмалари, дард олами ва изтиробларидир. Ўзининг бу хилдаги ҳис ва туйғуларини айтиш учун шоир ҳар хил йўллар топади. Ёлдек югуриб, чақмоқдек чақнаб юрган ёшлик пайтларини эслайди; эсдан чиқмайдиган илк муҳаббатини тасаввур қилади; ёри билан бирга ўтказган унутилмас дамларни, ширин суҳбатларни хаёлидан ўтказади; ўз сочига тушган оқ толани кўриб маълум бир босқичга бориб қолган умрига якун ясагандек бўлади... Шу йўллар билан одамларора кўз илғамас, сирли муносабатларга назар ташлайди, ўзининг поэтик ҳукмини чиқаради. Бу ҳукм доим ҳаётий, доим объектив, доим оптимистик оҳангда. Шухрат ижодда замон билан бирга қадам ташлайди, у ўзининг поэтик қаҳрини неча йиллар дунёни, инсон ҳаётини таҳликага солган фашизм зулматини қоралашга, янги уруш оловини ёқишга уриниб тўпларни ғилофдан чиқаришга жазм қилган кимсаларга қаратади. Жангчи-шоир сифатида ўзининг қарийб ҳар бир шеърида у шеърхонни ўтмишга, фашизм яратган қора кунларга қайтариб бир зумгина бўлса ҳам тарихда мисли йўқ ваҳшийликларни эслатади, шоирона ҳайрат, ғазаб изҳор этади:

Оналар бағридан олинса гўдак,
Келинлар номуси этилса барбод.
Ўғирлаб кетилган рус боласига
Лондонда қўйилса инглизча от.

Бу мисраларни ёзиш учун фақат шоир бўлиш етарли эмас. Бундан ташқари ҳаётни чексиз севган инсон, ўз маслагида мустаҳкам турган гражданин бўлиш ҳам керак. Шухрат шу хилдаги инсон—шоир, шу хилдаги ўз элининг гражданидир.

Танқидчи ва адабиётшунос Умарали Норматов таъкидлаганидек, Шухрат воқеабанд шеърлар муаллифи, бошқача қилиб айтганда, у «сюжетпараст» шоирдир. Унинг аксарият шеърлари митти сюжетлар асосида яратилган. У айтмоқчи бўлган поэтик фикрини фақат шеърый оҳангга эмас, фақат топилган образли ибораларгагина эмас, балки шоирона топилган сюжетга ҳам юклайди.

Шухрат бадиий ижодни анча эрта бошлаган. Шоирнинг ўз иқрорига қараганда, унинг биринчи шеъри 1935 йили «Ленин учқуни» газетасида эълон қилинган экан. Ўша вақтларни эслаб шоир ёзади:

«Бу маҳалда мен Ўрта Осиё транспорт инженерлари тайёрилан институтининг биринчи курсида ўқир эдим. Бундоқ юрагимга қулоқ солсам, ундан шеър товуши келаётганга ўхшарди,

ҳар нарасада бир шеърӣй жилва кўринарди. Шеърга бўлган ҳавас шунақа кучайиб кетдики, ўсмирлигимга ярашган транспортчилар формаси ва йилда бир марта бериладиган бепул поезд билети ҳам кўзимга кўринмай қолди. Кунлардан бир куни ўзимни инженер бўлишдан астойдил совиганимни пайқаб, ўқишга бормай қўя қолдим. Бунинг эвазига Ўзбекистон совет ёзувчилари союзининг қатнашувим мумкин бўлган бирор йиғилиши ва мунозарасини канда қилмасдим. Бу орада Ёзувчилар союзининг консултация бюросига котиб бўлиб ишга кирдим. Демак, катта қозонга тушдим. Энди ўқиганим ҳам, эшитганим ҳам деярли ёзувчи ва китоб ҳақида бўлиб қолди. Қўлоғим пиший бошлади. Баъзи бировлар билан қўл олиб кўришадиган бўлиб қолдим. Тахаллус ҳам танладим, матбуотда кўринишим чакки эмас, унча-мунча оғизга ҳам тушдим».

Унинг уч томлик тапланган асарларига киритилган энг дастлабки шеърларидан бири «Кичик саргузашт» 1937 йилда, яъни шоир 18 ёшларда бўлган пайтда ёзилган экан. Кўп ўтмай Шухрат «Орзу ва қасос» поэмасини ёзади.

Бу поэманинг умум мазмуни, поэтик структураси шунини кўрсатадики, шоир ўша даврларда адабиётимизда пайдо бўлаётган муҳим бир тенденцияга — меҳнаткаш халқ вакилларининг синфий уйғониш, ўз-ўзини англашини кўрсатишга жўр бўлди. Поэманинг қаҳрамони оддий меҳнаткаш йигит Самад Йўлчи, Ғофир типидagi шахс. У ҳаётдан ҳақиқат излайди, аммо топа олмайди, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлига ўтади, ҳимоя қила олмайди, шу йўлда ҳалок бўлади.

Улуғ Ватан уруши йиллари... Ҳаётининг бу даврларини шоир шундай эслайди: «Совет Армияси сафига қақирилганимча Улуғ Ватан уруши бошланиб кетиб, фақат урушнинг охириги йилидагина ярадор ва контузия бўлиб уйимга қайтдим. Гарчанд, фронтда мунтазам ижод этолмаган бўлсам ҳам, қачонлардир бу севимли ҳунаримга қайтиш иштиёқи бир лаҳза ҳам ҳаёлимдан кетгани йўқ. Баъзан завқ-шавқимни ёки душманга нафратимни қозғата тушириб қўяр эдим».

Назаримда, мана шу қозғога туширилган завқ-шавқлар, нафратлари асосида шоир «Фарзанд» номли поэмасини яратди. Бу поэма госпиталда ёзилган. Шухрат поэманинг ёзилиш тарихини эслаб шундай дейди: «Мен фронтда ярадор бўлиб госпиталга тушдим. Узоқ вақтлар жангларда юриб китобни соғиниб қолган эканман, ярадорликдан бир оз ўзимни ўнглаб олгач, мактаб кутубхонасидан (госпиталь жойлашган бино илгари мактаб бўлган экан — М. Қ.) Пушкин асарларини, хусусан, унинг «Евгений Онегин»ини олиб, қайта-қайта мутулаа қилдим. «Фарзанд» мана шу мутулаа натижасида, тўғрироғи, А. С. Пушкин таъсирида пайдо бўлди».

Поэмада казаклар эли анъаналарини маҳкам ушлаган, қабрда ётган қаҳрамон отаси учун, униб-ўсган она хутори учун, ҳижронда қолган гўзал ёри учун фашистларга қарши жанг қилиб қаҳрамонона ҳалок бўлган казак фарзанди Волин образи яратилади. Поэма шоирнинг фронт таассуротлари асосида яратилган биринчи асари эди. Кейинчалик тартибга солинган «Жангчи блокноти» туркуми ҳам худди ўша фронт «завқ-шавқлари ва нафратлари» асосида ёзилди. Мана, ўша кезлари шоир кузатган баъзи лавҳалар тасвири:

Вир лавҳаки, отилган гўдак
 Ғарчча тишлаб ётар тилини.
 Зулм туфайли минглаб келинчак
 Тарк этади севган элини.
 Вир лавҳаки, кечаги бўстон
 Вугуш ўага — соврилган, хароб...
 Минг-минг йиллар севилган дoston
 Ёвга қолиб саналмиш нобоб!..

Туркумни бошдан охиригача кўздан кечирсангиз кўрасизки, бу кичик-кичик шеърларда Улуғ Ватан уруши жангларида бошидан охиригача қатнашиб ўт ва сув кечиб, Ватан учун жон олиб-жон беришга тайёр турган, неча марталаб ажалга чап берган совет жангчисининг ҳис ва туйғулари, яна бошқачароқ қилиб айтганда, жангчи-шоирнинг беш йиллик жанговар биографияси намоён бўлади. Бу «биография»да ҳамма нарса бор — маънос кузатишлар, орзиқиб кутишлар, тасодифий учрашувлар, қувноқ дийдор кўришувлар, яна кузатишлар ва яна дийдор кўришувлар...

Дафтарнинг охирида Шўҳрат жанговар йиллар эртагининг узунлиги, бироқ ундан кўра истиқбол ҳақида гапириш афзаллигини айтади. Шоир ижодда ҳам шунга амал қилади ва ўз қаламини келажак томон буради. Истиқбол томон буриб, у оғир уруш йилларидан чиқиб, тинч ҳаёт қуришга ўзини бағишлаган меҳнат қаҳрамонлари образини яратишга бел боғлайди ва кўп ўтмасдан «Хотин қалби» номли поэмасини яратади. Бироқ поэма узоқ вақт ёруглик кўрмайди, баъзи сабабларга кўра архивларда қолиб кетади. Поэма биринчи марта ўтган йили шоирнинг тўпламидан жой олди.

«Хотин қалби» қирқинчи йиллар анъаналари асосида ёзилган. Асарнинг марказида Улуғ Ватан уруши жангларида умр йўлдошидан ажралиб бева қолган, эндиги ҳаётини коллективга — халққа бағишлаган, шу йўл билан ўзига бир оз таскин излаб, хаёлини банд қила олган ўзбек аёли — илғор меҳнаткаш образи туради. Унинг бош қаҳрамони Холдор катта коллективга бош бўлиб халқ хўжалигини қайта тиклашда жонбозлик кўрсатади. Мазмунан асар ишлаб чиқариш тематикасини акс эттиради ва воқеаларнинг қамраб олиш нуқтаи назаридан у Холдор раҳбарлигидаги катта бир коллективнинг бир йиллик меҳнати мадҳидан иборатдир. Поэмада бир йиллик меҳнат жараёнида қийинчиликларга тик қараб, катта муваффақиятларни қўлга киритган, эл иззат-ҳурматига сазовор бўлган оддий бир жувоннинг ҳис-туйғулари, қувончи, кўнглининг тўрида ётган изтироблари акс этади.

Шўҳрат кундалик ҳаётдан қай даражада илҳомланмасин, у яқин ўтмишини, бошидан ўтказган жангу жадал йилларини, устида шинель, қўлида қурол билан босиб ўтган йўлларини, кўрган-кечирганларини қайта-қайта эсламасдан иложи йўқ эди. Эслганда ҳам каттароқ планда, шеърларга нисбатан кенгроқ шаклда эслаш керак эканини сезарди. Вунинг учун кўлами энг қулай жанр проза эканини англади.

«Мени прозага даъват этган омил нима? Ҳозир ҳам аниқ билмайман,— деб ёзади Шўҳрат.— Лекин унга бўлган иштиёқ

шундай бир куч билан туғилдики, йиллар ўтган сари мени янада ўз бағрига қамраб ола бошлади. Эҳтимол, бунинг сабаби ёшим улгайиб борганидан, эҳтимол, Улуғ Ватан уруши фронтларида «улкан ҳаёт»ни бевосита ўз кўзим билан кўриб келганимдандир». «Балки ҳар иккаласи ҳамдир»,— деб қўшиб қўйгимиз келади. Бироқ прозага ҳам тезлик билан йўл топилавермайди. Узоқ-узоқ уйлар, «уйқусиз тунлар», тинимсиз муголаа бошланади. Ёзувчининг ўз сўзларига қараганда Лев Толстой, И. С. Тургенев, А. П. Чеховлар унга ёрдам қўлини чўзгандек бўлади, Абдулла Қодирӣ, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар эса мадад беради.

Фронт воқелигини акс эттириш «мени шунчалик қамраб олдики, кечалари ухлолмай қолдим»,— дейди Шухрат, ижод дардларини эслаб. Адибнинг тан олишига қараганда, шакл ҳам дарров топилавермайди. «Аввалига бир қисса ёзишга жазм этиб қўлимга қалам олдим. Бир неча бетларни қораладим. Бундоқ қарасам, қисса билан юрагимни бўшатиб ололмайман. Нимадир каттароқ нарса чиқадиганга ўхшайди. Шундан кейин жиддийроқ бош қотириб, образларим устида кенгроқ ўйлаб, ўзбек солдат-офицерларининг Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жонбозлигини кўрсатиш ниятида воқеани уруш арафасидан бошладим. Асосий материал бўлиб ўз биографиям хизмат қилди... Шундай қилиб «Шинелли йиллар» романи дунёга келди!»

«Шинелли йиллар»ни роман-хроника деб аташ мумкин,— деб ёзади Умарали Норматов. Бу гапда жон бор. Сабаб, асарнинг кўпроқ адиб биографиясига алоқадор бўлишида эмас. (Биографик материал ёзувчи учун туртки, иш бошлаш учун асос, холос.) Гап воқеаларнинг сюжет ва композицион жиҳатдан анча «жўн», ёзувчилик санъати билан қайта ташкил қилмасдан, кўпроқ «ўз бўлишича», яъни табиий тартибда берилишидадир. Романнинг баъзи бир камчиликлари ҳам, айрим ўринларда воқеалар тафсилотига ортиқча берилиб кетиш ҳоллари ҳам мана шу хронологик принцинга боғлиқдир. Адибнинг шу йўлни танлашида ҳам асос борга ўхшайди: тасвирланаётган воқеалар унга шу даражада қўн, шу даражада қадрли эдики, адиб уларнинг «тахини бузмасдан», «оҳорини тўкмасдан» тезроқ китобхонга етказишни ўйлайди.

Ёзувчи танлаган йўл қай даражада «жўн» бўлмасин, асарни ўқиганингизда тинч ҳаётдан узилиб, Ватан учун ўзини жангга урган ўзбек йигитининг беш йиллик «жангдаги ҳаёт йўли кўз олдимизда намоён бўлади». Бу тарих орқали биз ўзбек халқининг улуғ ғалабага қўшган ҳиссасинигина эмас, балки унинг маънавий қиёфасини, куч ва қудратини, ахлоқ принципларини босқичма-босқич кўз олдимизга келтирамиз. Асар бош қаҳрамони Элмуроднинг жанговар ҳаёт йўли уруш охириларигача етказилган. Шундай қараганда, у «омади келган» жангчи сифатида кўринади. Аммо асар билан яқиндан танишган китобхон омадининг у даражада катта эмаслигини англайди. Веш йиллик уруш даврида Элмурод қанчадан-қанча драматик, қанчадан-қанча фожиавий ҳолатларни бошидан кечиради. Элмурод сафида турган бошқа образлар тақдирида эса бу хилдаги драматик ва фожиавий ҳолатлар яна ҳам кескинроқ, яна ҳам шиддатлироқ. Бу фожиавий ҳолатлар, улар руҳий дунёсида рўй берган кескин нуқталар орқали биз уруш даҳшатлари хусусида ўйлаб қоламиз ва жамият, умуман, инсон тақдири устида чуқурроқ мушоҳада қилишга

мажбур бўламиз. «Шинелли йиллар»нинг бутун боблари, унда тасвирланган аксарият образларнинг тақдири — уруш қурбонларидан тортиб сегги фожияларигача шу масалага бўйсундирилгандир. Энг муҳими, бу роман ўзбек китобхониغا Улуғ Ватан урушининг бевосита иштирокчиси томонидан яратилган солнома, тарихий гувоҳнома сифатида қадрлидир.

50- йилларнинг охирлари, 60- йиллар бошлари шоир ва адиб сифатида Шуҳратнинг тўлиб-тошган даври бўлди. У шеърятда қалам тебратишни тўхтатмади. Проза синовидан ҳам муваффақият билан ўтиб олди. Бироқ бу йиллар Шуҳрат учун бошқа бир жапда ўзини жиддийроқ синаб кўриш йиллари бўлди. Бу балладалар эди. Бу ихчам драматик жанрда яратилган асарлар фақат мазмундагина эмас, балки шакл жиҳатдан ҳам Шуҳрат поэзиясининг гултожи бўлди. Улардан бир нечаси В. И. Ленин образи тасвирига бағишланган. Шундай қараганда, В. И. Ленин ҳақида дунё адабиётида кўп асарлар ёзилиб, энди у ҳақда бирор янги гап айтиш амримаҳолдек кўринади. Бироқ Шуҳрат ўз ижодий эволюциясининг юқори нуқтага кўтарилган пайтида бу ишнинг ҳам уddасидан чиқа олди. Шоир бу улуғ сиймо образи тасвирига тегишли характерли эпизодлар топди. Булар Улуғ Ватан уруши йилларида тоғ қоясига ўйилган доҳий портрети тақдири, оддий солдат билан В. И. Ленин ораларидаги муносабатларни таҳлил қилиб кўрсак, шоир доҳиймиз ҳаётига тегишли маънодор воқеаларни топа олганини кўрамиз. Бу балладаларда В. И. Ленин қиёфаси — бор улуғворлиги, олижаноблиги, инсонпарварлиги, ўта оддийлиги билан китобхон кўз олдида намоён бўлади. Балладаларни ўқиган ҳар бир киши биз учун оддий бир ҳақиқат бўлиб қолган муҳим бир хулосани яна бир бор ҳаёлидан ўтказди: В. И. Ленин улуғларининг улуғи, одамларнинг одами!

Ҳаётнинг битилмаган бир қонунияти бор: одам ёши улғайган сари орқага назар ташлагиси, ўтмишга қайрилиб қарагиси келиб қоладиган бўлади. Шоир, ёзувчилар ҳам бу ҳолдан истисно эмас, балки бу кўпроқ адибларга хос насага ўхшайди. Улар ўтмишга қайрилиб қараганда кўз олдига фақат ўз умри эмас, балки бутун халқ, жамият ўтмиши келади. Шу боисдан бўлса керак, Шуҳрат ҳам ижодининг етуклик даврларига келиб ўтмишга қайрилиб қараб, фақат В. И. Ленин ҳаётига тегишли эпизодларинигина эмас, балки шу билан бошқа улуғ сиймолар ҳаётига тегишли драматик эпизодларни ҳам кўрди. Ўтмишга қайрилиб қараб, у «Қувғинди» номли балладасида Украинанинг «вулқон шоири» Шевченконинг фожияли ҳаётини поэтик назардан ўтказди. «Сўлмас чечаклар» номли балладасида китобхонни партизан қабрига олиб бориб, яна бир марта Улуғ Ватан уруши фожияларини эслайди. Ўтмишга қайрилиб қараб, «Мардлик афсонаси» номли балладасида яна ҳам узоқларни — узоқ ўтмишда беқиёс қаҳрамонлик кўрсатган Тўмариснинг жасорати манзарасини яратди. Кўҳна Хоразм тарихини варақлаб «Гулдурсун» балладасида сотқин муҳаббат фожиясини акс эттирадиган шиддатли воқеани шеърга солди. Бу кескин драматик сюжетларда Шуҳратни шунчаки воқеалар кескинлиги эмас, балки ундан ҳам улуғворроқ ҳис ва туйғулар, эстетик мақсадлар қизиқтирди. Ўтмиш саҳифаларини варақлаб, у халқ ишига садоқат, мард ва мардонаворлик, ватанга муҳаббат сингари ғояларни

улуғлади. «Гулдурсун» балладасидаги қуйидаги мисраларга қаранг:

— Икки марта чиқмайди бир кунда қуёш
Икки марта келмайди дунёга бу бош!
Бир бошга бир ўлим бор, яша инсонча!
Кимга керак тутқунлик, оҳ-воҳ, исканжа!
Ев келдими ўлкага босиб, ўғринча,
Ёвга ёвча қарши тур умринг борича,
Эрксиз ўтган бир йилдан озод он яхши!
Душман тутган ол гулдан тарки жон яхши!
Қачон, ахир, қафасда сайрабди булбул!
Қачон, ахир, зулматда яшнабди бир гул?

Бу ерда поэтик мушоҳададан кўра риторик хитоб, жўн дидактика устундек кўринади, бироқ балладанинг умумконтекстида, кутилаётган кескин драмалар, фожиавий ҳолатлар фонида бу мисралар ҳам поэзия!

Шуҳратнинг «Кавказ дафтари», «Одамлар ва обидалар», «Дунай соҳиллари» сингари туркумлари шоир ижодида алоҳида ижодий босқич бўлди. У кўҳна шаҳар Бухорода туриб чет эл саяҳатчиси билан баҳсга киришадими, ўтмишда инсон қалбига даҳшат солган фожиалар гувоҳи бўлган, эндиликда санъат мўъжизасига айланган басавлат минора ҳақида гапирадими, инглиз тамғаси босилган гильзага кўзи тушадими, Зарафшоннинг охириги томчи суви билан ўсган боғ-роғларни кўрадими—булар ҳаммасида шоир ўзи ўсиб-улғайган заминда мустаҳкам турганини сезади, қора ўтмишга чексиз қаҳрини, бугунги кунга беҳад меҳрини изҳор қилади. Худди шу хилдаги ҳис ва туйғулар унинг «Дунай соҳилларида» туркумига кирган шеърларига ҳам хос. Бироқ бу туркумга бошқачароқ бир кайфият — иккинчи жаҳон урушида инсонни даҳшатли офатдан сақлаб қолган қаҳрамонлар хотирасига бош эгиш, шу муносабат билан янги уруш оловини ёқмоқчи бўлганларга кескин муносабат билдириш кайфияти ҳам омикта бўлганини кўрамиз. Мана унинг шу туркумдаги «Номалум солдат қабри» номли шеърдан олинган мисралар:

Тўхта, ҳой, ўткинчи, тўхта бир нафас,
Бу уруш даҳшати! Эслаб тур бир пас!
Тўхта, ҳой, минбарга чиққан Цицерон,
Мана шу қабрга кўз ташла бир он!
Бармоғи узукли пулдор жаноб, сиз!
Урушда ҳисобсиз олтин санабсиз.
Мана бу солдат-чи? Ҳеч нима! Қуруқ!
Бас энди, сочмангиз урушдан уруғ!
Номалум шу солдат мозори ҳаққи,
Муштипар онасин оҳ-зори ҳаққи,
Дўст-ёр, хешининг озори ҳаққи,
Тилингиз тийинг-да, чиқманг минбарга!
Инсон ўз жонини алишмас зарга!
Шу қабр тошига солингиз қулоқ,

Том битган бўлса ҳам тинглайсиз бироқ:
Урушни лаянатлаб нидо келади!
Ҳар қалбдан жаҳонда садо келади!

Бу мисралар урушга қарши турган бутун инсониятнинг нидоси сифатида эшитилади ва бу нидо китобхон қалбининг тўридан жой олади.

Шуҳрат ижоди ҳамон етуклик сари кўтарила борар эди. «Шинелли йиллар»нинг ёзилиши муносабати билан катта асарга хос изланишлар, балладалардаги митти драматик ситуациялар яратишдаги машаққатли уринишлар адибнинг қаламини санъатнинг поэтик сирларини эгаллашга чорлай бошлади. Ниҳоят, олтиминчи йилларнинг ўрталарига келиб Шуҳрат каттароқ, кескин драматик, балки фожеавий сюжет устида иш бошлади. Шу йўсинда унинг «Олтин зангламас» романи майдонга келди.

Роман шундай майдонга келдики, Шуҳрат бу асарнинг яратилишида қарийб ўттиз йиллик машқлар тажрибасини бир нуқтага йиғди, бор поэтик ҳис ва туйғуларини, прозаик мушоҳадаларини сафарбар қилди. Энг муҳими шуки, адиб бу ерда ҳам асар учун материал терганда яна ўз ҳаёт йўлига, кўрган-билган ва бошидан кечирганларига мурожаат қилди. Адиб бу роман хусусида гапириб ёзди: «Бунинг мавзуси ҳам, ибора жоиз бўлса, ўз биографиямдан. Лекин биографиям «Шинелли йиллар»даги каби бир восита, холос. Тўғри, «Олтин зангламас»даги ҳаётни мен яхши биламан, улар мен билан бирга бўлган, менга учраган кишиларнинг ҳаёти. Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман. Бу мавзуда бирон нарса яратмасам кўнглим ўрнига тушмас эди. Бу романдаги баъзи образларнинг нусхаси ҳаётда нақд эди, баъзиларини эса ниятимга мослаб ўзим тўқидим».

Роман қаҳрамонларини биз ўттизинчи йилларнинг мураккаб воқеалари, Улуғ Ватан урушининг оғир кунлари фонида кўра-миз. Асарнинг бош қаҳрамони Содиқ ўша даврда бўлиши мумкин бўлган ҳаётнинг ҳамма мураккабликларидан, бошқача қилиб айтганда, «социал чиғириқ»дан ўтди. У умрининг олижаноб умид-орзулари билан тўлиб-тошган бир пайтда фисқ-фасод ва туҳматлар ҳоким бўлган муҳитга тушиб қолади. Шу туфайли у ўз бошидан оғир-оғир ҳолатларни ўтказади. Муҳит олижаноб умид-орзуларининг амалга ошишига монелик қилса ҳам, унинг инсонийлик ҳислатларини сўндирма олмайди. Ҳар бир қадамда ўз манфаатини ўйлайдиган, бу йўлда ҳар қандай қабихликлардан ҳам қайтмайдиган ғаразғўйлар билан дуч келганда ҳам, эри ҳулосалар чиқариш йўлида қилни қирқ айиришга уринадиганлар билан дуч келганда ҳам у ўзлигини сақлай олади. Китобхон шундай ҳулосага келадики, ҳаёт ўзи олий ҳоким: роман сюжетининг ривожини давомида бошқалар ҳаётига хуруж қилишга одатланган нопоклар босқичма-босқич фош бўла боради. Содиқнинг олтин сингари ўтда куймайдиган, сувда зангламайдиган, ўз қадр-қимматини йўқотмайдиган ҳақиқий инсон эканини англаб оламиз.

Воқеаларни драматик тобда олиб бориш, характерлар тасвири учун воқеаларнинг кескин бурилишларидан фойдалана би-

лиш — умуман, асарни кескин конфликтли қилиб яратиш жиҳатидан «Олтин зангламас»да Шухрат тутган йўл Абдулла Қодирий услубини эслатади. Шу маънода Шухрат, албатта, устоз Абдулла Қодирийдан сабоқ олгани маълум бўлади.

«Олтин зангламас» романини ярата туриб Шухрат йирик проза сирларини эгаллаб олди. Адибнинг ишида энди ўзига ишонч, етарли тажриба пайдо бўлди. 60-йилларнинг охирларида келиб Шухрат янги роман устида ишлай бошлади. Бу «Жаннат қидирганлар»дир. Умарали Норматов сўзлари билан айтганда, бу роман «Олтин зангламас» романининг мантиқий давоми бўлди. Дарҳақиқат, романда акс эттирилган воқеалар ҳам «Олтин зангламас» романининг табиий давомидек сезилади, асар бош қаҳрамони Умматали ҳам ўзининг асосий хислатлари билан Содиқ образининг бошқа бир муҳитдаги кўриниши сифатида кўзга ташланади. Шухрат ижобий қаҳрамонларнинг олижаноб хислатларини очиб бериш, салбий образларни тўла фожия қилиш йўлида романбоп, ниҳоятда кескин ва мураккаб вазиятлар ярата олди. Шу босидан роман жуда жозибали ва ўқимишлидир.

«Ҳар бир гулнинг ўз иси бор» деганларидек, адабиётда ҳам ҳар бир жанрда ишлашнинг ўз гашти бўлса керак. Шухрат болалар ёзувчиси сифатида ҳам ўз истеъдодини синовлардан ўтказгач, янги бир жанрга — саҳна асари яратиш ишига қўл урди. Бу ишда ҳам у энг мураккаб жанрни — комедиани танлади. 60-йилларнинг охирларида ҳалигача саҳнадан тушмай келаётган «Беш кунлик кўёв», 70-йилларнинг ўрталарида «Қўша қаринглар» комедияларини яратди. Бу икки асарда ҳам адиб ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган комик ситуациялар яратди: арзимаган ғараз йўлида фарзандининг «келажигини» ўйлаб, кулгили аҳволга тушиб қолган ота-оналарни, ҳаёт йўлдоши талабларини ҳисобга олишга ғафси етмасдан, осонлик билан бошқа кишилар таъсирига ўтиб кетган эрнинг ўсал ҳолатини акс эттиради. Шу кунларда яратилган ва Муҳимий номи музикали драма театрда ва область театрларида саҳналаштирилган «Она қизим» драмаси жанр эътибори билан бошқачароқ йўналишда яратилган. Унда ҳаётда ўз ўрнини, кишилараро муносабатда ўз мавқеини англай олмаган йигит аҳволига ачинсак, унга акс қолда ўзига, ишига ишонч билан қарайдиган, ҳаётда ўз ўрнини тўғри белгилаб олган қаҳрамонларни кўриб руҳимиз кўтарилади, улар танлаган йўлни олқишлагимиз келади.

Шухрат етуклик ёшида. У шунга мувофиқ етук ижод соҳиб. Бу етуклик аввало ўзига яқин бўлган ҳаёт материални илҳом борида тўлароқ ва мукамалроқ қамраб олишга ҳаракат қилишда, ўз замондошлари, келажак авлодларга етказмоқчи бўлган ҳис-туйғу ва фикрларини бадиий ижоднинг энг яхши анъаналаридан унумли фойдаланган ҳолда адабиётнинг хилма-хил жанрларида талқин қила билишида—умуман, ёзувчилик санъатини жамият хизматида бўйсундира билишидадир.

Тўғри, ижодий етуклик осонлик билан қўлга киравермайди. Бунга эришгунча Шухрат бадиий ижоднинг қанчадан-қанча эгрибурги кўчаларига кириб чиқмади, қанчадан-қанча изланишу ижодий экспериментларни бошидан ўтказмади, қанчадан-қанча қийинчиликларни бартараф қилмади дейсиз. Бироқ бу изланиш машаққатлари, дуч келган бу қийинчиликлар бир марта катта

тиражда чоп этилган асарнинг тез тарқалиб кетиши, номаълум китобхондан олинган битта илиқ хат, ёхуд ижодкор оқсоқолларнинг битта фикри, одатдагидек партиямиз кўрсатадиган битта ғамхўрлиги билан унутилади ва ижодий дарднинг энг яхши дамлари сифатида эсга тушади.

МАТЕҚУБ ҚЎШЖОНОВ
Ҳамза мукофоти лауреати

ШЕЪРЛАР



ШЕЪРИМ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Мен ўтиб кетаман, сен кейин қолиб
Ҳақимда рост сўзни айтиб юр, шеърим!
Дўстимнинг бағрига бошингни олиб,
Рақибга тош қаҳрим отиб тур, шеърим!

Ҳали сен неча уй, неча хонада
Менингсиз бир ўзинг меҳмон бўласан.
Баъзилар талқинлаб турли маънода
Ғашингга тегади, аччиқ куласан.

Сен яхши биласан қалбим сирини,
Бир сенга айтганман бутун дардимни.
Гоҳида уфурдинг чаман атрини,
Гоҳида мадҳ этдинг ошиқ мардимни.

Гоҳида ўт бўлиб, ловиллаб ёндинг,
Гоҳида дарёдек тошдинг қирғоқдан,
Гоҳида тонг бўлиб эрта уйғондинг,
Гоҳида нур олдинг кўкда чақмоқдан.

Гоҳида ер бўлиб майсазор кездинг,
Гоҳида ғиротдек сапчидинг кўкка.
Гоҳида ёлғизлик, сукутдан бездинг,
Гоҳ ошиқ пойига ташладинг мукка.

Гоҳида Кавказга бўлиб маҳлиё,
Пушкиндек шаънига тўқидинг қўшиқ.
Гоҳ Дунай бўйлари сочдию зиё,
Бахтини олқишлаб ўқидинг қўшиқ.

Гоҳида жанг қилдинг ёвмига қарши,
Автомат ёнида турдинг ёнма-ён.
Сенга ҳам тааллуқ ғалаба марши,
Сени ҳам улуғлаб қарс урди жаҳон!

Шунчалик кучлисан, лекин баъзида
Ошиқлар қошида титраб қоласан.
Е ўзга куч борми улар кўзида,
Е улар амрини барҳақ кўрасан.

Ноҳақлик жонингдан ўтганда гоҳо
Ўкиниб-ўкиниб аччиқ йиғладинг.
Гоҳ заррин қадрингга топмасдан баҳо,
Хуш, ҳалол кунларга умид боғладинг.

Гоҳ мақтов олдингу қувониб юрдинг,
(Мақтовни севмаган шоир бормикии?)
Уфқдан-уфққа ёғду уфурдинг,
Ҳа, шунда сен билдинг дунё торлигин!

Ижодда илиқ сўз қанот бўлади,
Ош берма, нон берма, ширин сўзлаб тур.
Баъзида тurtсанг ҳам, кўпроқ «сиз»лаб тур.
Кўрасан қанақа ижод қилади!

Шуларнинг барига гувоҳсан, шеърим,
Барининг садоси сенда мужассам.
Баъзида қаҳримсан, кўп маҳал меҳрим,
Меҳримнинг нуридан жам бўлгансан, жам!

Такаббур бўлмадинг, тилёғламадинг,
Ҳасаддан ёнмадинг сочингни юлиб.
Ёлгондан улуглаб, гул боғламадинг,
Кимнингдир кўзига боқмадинг кулиб!

Мукофот кутмадинг суқатой бўлиб
Турмадинг ҳамиша минбарни кўзлаб.
Дўстларинг бахтидан қувончга тўлиб,
Оқни оқ дегансан доим эъзолаб!

Бу ижод шунақа: паст-баланд йўлдан
Юқори чиқмоққа ўхшайди ўзи.
Ё илҳом қуш бўлиб учаркан қўлдан,
Гоҳ сендан бошқани кўрмайди кўзи!

Де: — шоир рост сўзнинг гадоий эди,
Елғон сўз айтмади умри борича.
Шу йўлда қоп-қора сочи оқарди,
Кўнгли ҳам оқ эди сочин қорича!

Сен ҳалол туғилдинг, ҳалол яшадинг,
Эй, менинг шеърларим — кўнгил қушларим.
Сен менинг қалбимдан ҳаёт бошладинг,
Сен энди кетимда қолар ишларим!

Қолурсан умиддек ёниб, пориллаб,
Қолурсан умримдан гувоҳлик бериб.
Замину замонлар не қилса талаб
Лаббай деб қошига чиқ кўксинг кериб!

Бир коса сув бўлгин чанқоқ қўлида,
Чироқ бул сафарга чиқса йўлида...
Ҳар шоир бахтидир ўзидан сўнгра
Дилларга йўл олса шеъри элида!

1976, декабрь

НИЯТ

Яшаш қонун, яшаш зарурат,
Яшаш менга бўлибди насиб,
Орзум шудир: толе мурувват
Қилган элга бўлай муносиб!

Шу ниятда оқарса сочим,
Ажин кирса бетимга майли.
Майли, кетса ёшлигим, кучим,
Ором тошмай ният туфайли.

Майли, кезай дашту биёбон,
Майли, берай уйқуга барҳам.
Майли, ичай шароб эмас қон,
Ният учун керак-са бу ҳам.

Ният учун чекилган заҳмат
Бebурд утган роҳатдан аъло.
Қалб тубида бўлмаса ният
Яшашликдан бордир не маъно?!

Шу ният деб шеъримдан тортиб,
Рост, тикканман бутун ҳаётим.
Шу ниятдан нолисам, тойсам,
Қора билан ёзилсин отим!

1947

Қ А Д А Х

*Кел, ичайлик, меҳрибон ҳамдам.
Шу бечора ёшлигим учун!*

(А. С. Пушкин)

I

Кўтаринг, дўстларим, олтин қадаҳни,
Яшнатиб, яйратиб оташ нигоҳни,
Жаҳонга танилган ёшлигим учун,
Чаманга кўмилган ёшлигим учун,
Бу кунга етказган устозим учун,
Бу бахтни куйлаган ёш созим учун,
Ичайлик биринчи қадаҳни қани,
Гулласин янада ёшликнинг шаъни!

II

Кўтаринг, дўстларим, олтин қадаҳни,
Нурлатиб, яйратиб ўтли нигоҳни,
Ватаннинг постида шараф иши деб,
Ўдуддан ўтолмас ҳеч ёт киши деб,
Кўзлари титкилаб тун ридосини,
Ўаттоки фаҳмлаб ел нидосини,
Ўалқига чин содиқ эр посбонларнинг,
Душманни маҳв этган паҳлавонларнинг,
Бир умр соғлиғи учун ичайлик!
Дилларин чоғлиғи учун ичайлик!

III

Кўтаринг, дўстларим, олтин қадаҳни,
Юлдуздай чақнатиб олов нигоҳни,
Тун демай, кун демай кенг далаларда,
Сояси акс этиб гуллодаларда,



Меҳнатни шарафу шон-шавкат дея,
Меҳнатдан туғилар саодат дея,
Ишласанг қизармас дард-ла юз дея,
Режамиз албатта бўлур юз дея,
Меҳнатни севгучи йигит-қизларнинг,
Шахло куз, қора қош, анор юзларнинг
Ғалаба тонгида кулиши учун,
Саломат ва ишчан бўлиши учун,
Ичайлик, дўстларим, кулиб, қувониб,
Ҳамиша яшайлик ҳаётга қониб,

IV

Кўтаринг, дўстларим, олтин қадаҳни,
Яшнатиб, ўйнатиб суқли нигоҳни,
Қўққисдан ёв ҳужум этиб кирганда,
Ватаннинг тақдири қилда турганда,
Мағрур от ўйнатиб, чақнатиб чўғ-ўт,
Осмонда самолёт, сувда пароход,
Қуруқда паровоз, оғир танкани,
Бомбани, тўпларни, ўқ-винтовкани,
Бир оддий асбобдек идора қилиб,
Душманининг қалбини ханжардек тилиб,
Арининг инидек бўлса ҳам тани,
Бахт берган, куч берган она-Ватаннинг
Покиза сутини ҳар чоқ оқлаган,
Юртини, халқини жондек сақлаган,
Устидан чиқувчи ҳар бир онтининг,
Кўп сонли, пок қонли халқ фарзандининг
Офтобдек парпираб яшаши учун,
Мардона қадамлар ташлаши учун,
Ичайлик мана шу қадаҳни қани!
Шарафлар қопласин мудом ўлкани!

V

Ғалаба келтирган бу Янги йилнинг,
Бахтга бахт қўшувчи бу донгли йилнинг,
Яна зафарга ёр бўлиши учун,
Юртимиз нурларга тўлиши учун,
Қуёшдек порлатиб олов нигоҳи,
Кўтаринг, дўстларим, олтин қадаҳни,

**Ичида ой нури акс этиб кетсин,
Садоси ҳаттоки кукларга етсин!
Яшасин бахтимиз, яшасин ҳаёт!
Яшасин элимиз, яшасин ижод!**

1938

КИЧИК САРГУЗАШТ

I

Юлдузларнинг тиниқ кўкда кўзи милтиллар,
Ой юзини дока — булут гоҳ келиб силар.
Кумуш каби япроқларда ярқирар шабнам,
Эл турардан сал эртароқ, худди субҳидам.
Қон ҳиди-ла бузилганди тоғнинг ҳавоси,
Тингланарди йироқлардан қушлар навоси.
Разведкага юборганлар бизни атайлаб,
— «Душман қайда, зарба бериб қўймасин пойлаб,
Ҳушёр қараб, ҳол-аҳволдан берингиз дарак!»
(Бундай хавфли вақтларда зийраклик керак.)
Юракларда мавж уради буюк бир ғоя,
Эркалайди ҳавасингни кўк ўпган қоя.
Хаёл — денгиз, орзу эса унда бир елкан,
Бир елканки, енгилардан бунёдга келган!..
Унгур бўйлаб қуйи томон тушиб борардик,
Дурбин каби кўзлар ўткир, тетик қарардик,
Соя каби бир тўдани илғади кўзим,
Ихлос билан термиламан индамасдан жим...
Аниқладим тоғ бағирлаб келади душман,
(Фавқулодда босиб келса ана шу ёмон!)
Олдда битта лашкарбоши, қўлида қилич
Ўйнаб келар, йигитлари юлдузлардай зич...
— Юр, чоп! — дедим, — отрядга берайлик хабар,
Тез бормасак қўлдан кетар бу галги зафар!
Мен ўтдиму ортда қолди шеригим бир оз.
Тонг ёришган. Бутун қушлар қилади парвоз.
Ўйғонишиб келмакдайди оҳулар кам-кам,
Тасодифан бир ўқ чиқди, жаз... эгди елкам...

Гуё қушлар тўхтадилар шу дам парвоздан,
Гуё ҳаёт жимиб қолди ушбу овоздан,
Гуё шу тонг ҳаёлимда тунга айланди,
Гуё умид учқунлари кулга айланди.
Кўз олдимни босди қора. Танда йўқ дармон...
Сапчиб кетди шунда отим. Юракда армон...
Қуш сингари учиб келдим корпусга омон...
Қон оқади сўл елкамдан қасоси бордай...
От ва танам бўлган худди бир лолазордай,
Шафақ ўрнак олар энди юрак қонимдан.
Заҳарли газ қилиб шунда оққан қонимдан
Душманимга соча қолсам, дедим ўшанда,
Ачиш, оғриқ сезар эдим титраб танамда...
Баён этдим кўрганимнинг ҳаммасин бир-бир,
Кураш учун буйруқ берди шу он командир.

II

Тоғлар оша ўз нуруни сочади қуёш,
Гуё ғариб кўзларидан тирқираган ёш.
Дилда умид, армон билан боради отряд,
«Енгил!» деган машғал ёнар юракда фақат...
Врач бутун сўл елкамни ўраб ташлаган,
«Борма», деган, юрагимни қолиш ғашлаган.
Деганманки, нега энди курашдан қолай,
Нега энди бунда қолиб ҳаёлга толай.
Йўқ, керакмас, сизлар билан бирга бораман,
Бу ҳеч гапмас, керак бўлса жонни бераман!

Булутларни дўппи қилган тоғнинг сойида
Тўқинишдик душман билан. Ҳолат жойида...
Тонгда учган юлдузлардай визиллар ўқлар,
Қўрқув нима бу вақтда, ким уни йўқлар!
Визиллаган ўқлар — ўлим, тўзонлар — фиғон,
Ана, ер қон, мурдалар қон, ҳатто уфқ қон!..
Акс этади буюк тоғлар ўқнинг садосин.
Зафар яхши, яшаш яхши, зафар, қайда сен!..
Зафар истаб, та-та-талаб кетди, пулемёт,
Дув тўкилар душман томон, фазо олов-ўт.
Қува кетдик, қочди душман қуён сингари.
Зингиллатдик ҳай-ҳу... ана, ўралди бари...
Сотқин экан разведкага чиққан ҳамроҳим,
Асир тушди мени отган ўша бераҳм.

Бутун сирни англаб биз-ла юрар экан жим,
План тузиб қўйган экан сўнг билсам, ўғлим...
Отряд чалди, жаранглатиб енгил маршини,
Шундай қилиб тор-мор этдик бизга қаршини...
У кунлардан хотира бор танамда ҳали,
Сўнгги кураш ўша бўлди, енгилди бари...
Кўргин, ўғлим, бизнинг душман қандайин маккор,
Гул Ватанда ҳали унинг сарқитлари бор,
Дея отам тамомлади кичик эртагин,
Ҳулкар оғиб, ой ёйганда оқ нур этагин...

1937

ТАЪНА ҚИЛМА

«Нега мунча сочларинг оппоқ?»
Ҳар кўрганда қиласан таъна,
Ҳар кўрганда термилиб узоқ,
Дейсан яна: — «Қорасин сана!»

Майли, отсанг таъна тошини,
Майли, қилгин истасанг ҳазил,
Майли, сочинг Казбек бошини
Эслатади десанг муттасил.

Тўғри, сочим оппоқ қорсифат,
Ҳар толаси жанглардан ёдгор.
Эл бошига тушганда кулфат
Қилич тутдик қўлларга такрор.

Жанг фурсати хилма-хил, эркам,
Оқ туширар ҳолатлари бор.
Бошимда қиш, кўнглимда баҳор,
Шунинг ўзи қандайин кўркам.

26 февраль, 1945

ЎРМОНДАГИ УЙ

Қалин ўрмон,
Қушлар наъмаси
Ер юзини қоплаб тутгудай.
Бир-биридан узун ва силлиқ
Қарагайлар кунга етгудай.
Ости тўла майса, маймунжон,
Кўкка боқсанг осмон кўринмас.
Енгил-елпи ёққан ёмғирдан
Бир томчи ҳам остига томмас.
Қалин ўрмон.
Ўрмонда қушлар,
Қушлар сайрар, тотли наъмаси.
Баъзан келар йироқ-йироқдан
Ўрмон кесган ишчилар саси.
Қалин ўрмон.
Қалин ўрмоннинг
Ўртасида бордир бир бино.
Оддий хона,
Деворда карта,
Недир ёзиб карта остида
Ўтиради бир киши: ўрта
Бўйли, қотма, кўк кўз, кўкракдор,
Кўринишдан абжир, тиришқоқ.
Ўттизларга етар-етмасу
Сочларига оралаган оқ.
Кўксида орденлар лентаси:
Сариқ, пушти, қизил, ҳаворанг.
Уйга чўмган,

Манглайда ажин.
Кўринади сўл кўзи аранг.
Баъзан қоқиб кимгадир телефон,
Жиддий тусда берар фармойиш.
Баъзан кулиб,
Баъзан ҳайқирар,
Манглайда қалашар тириш.
Оддий хона,
Девор соати
Уй тинчлигин бузади баъзан,
Баъзан кулиб қолар ўткинчи —
Ташқарида эркин, қувноқ, шан.
Ҳеч бирини эшитмайди у,
Хаёлида ёлғиз шу нарса:
План ҳозир неча бўлдикан?
Зора бугун уч юзга борса?
У юборган сурх ёғочлардан
Қад кўтарар ишчилар шаҳри.
Лаънатланган уруш йилининг
Тузалади яраси, заҳри!
Қалин ўрмон.
Қалин ўрмоннинг
Ўртасида бордир бир бино.
Бу бинонинг ўтмиши шонли,
Ўтмишида бордир зўр маъно!
Сурати бор музейда унинг,
Ёзилгандир бу ҳақда китоб.
Шу хонани у жанг йиллари
Қилган эди отрядга штаб.
Шу хонадан чиққан буйруқдан
Ўлим қучган печанеча ёв.
Нечанеча эшелон қулаб,
Нечанеча уйга туташган олов.
Шу хонада неча хоиннинг
Ўлимига тузилган режа,
Шу хонада, карта устида
Жанг ўйналган нечалаб кеча.
Нечанеча сирли қоғозга,
Шу хонада чекилган имзо.
Шу хонадан чиққан фармондан
Ўлка ва халқ бўлганди ризо!
Ушбу хона ҳали ҳам яшар,
Ҳали ҳам бор деворда карта.

Жанг йиллари қизил байроқча
Қадалганди кунда ўн марта.
Неча марта боқарди кунда,
Ўйга чўмиб қоларди, баъзан:
Кўз олдига келарди жангтоҳ,
Кўкни тутган тутун ва тўзон...
Унутилган энди бу карта,
Баъзан боқмас унга ҳафталаб.
Бундан берар ҳали ҳам буйруқ,
Ушбу хона ҳали ҳам штаб.
Ушбу бино ҳали бақувват,
Неча йилга ҳали ярагай.
Энди бундан чиққан фармон-ла
Кесилади минглаб қарагай.
Қад кутарар бузилган шаҳар,
Барпо бўлар не-не иншоот.
Ўзгаради буюк ўлканинг
Қийфаси, ҳаёти албат.
Баъзан ҳатто ўзи портлатган
Кўприк учун йўллар эшелон.
(Қурбон бўлган ёру дўстлари
Кўз олдига келади шу он.)
Дейди шунда: — Тиклашга қодир
Бузмақ учун етган иродам.
Муродига етур шубҳасиз,
Ўз юртини севолган одам!

Қалин ўрмон.
Ўрмонда қушлар,
Қушлар сайрар, тотли наъмаси.
Баъзан келар йироқ-йироқдан
Ўрмон кесган кишилар саси.
Қалин ўрмон.
Ҳали унда бор
Партизанлар этигидан из.
Шу ўрмонда туради мағрур
Битта бино ажралиб ёлғиз.

ИККИ ШЕЪР

Йиғлаётган қизга

БАЙРОНДАН

Йиғла, шоҳлар наслидан, эй қиз!
Йиғла, отанг ҳам ўз юртингдан.
Отанг айбин, халқ очлигин сан
Шояд ювсанг ёшинг-ла ёлғиз!..
Йиғла...

Дув тўкилсин ватанинг учун
Ғамнок, жоду кўзларингдан нур!
Қатто қатра ёшингни бутун
У келажак ёруғ кунларда
Табассум-ла халқинг қайтарур!

Кулаётган қизга

БАЙРОНГА ПАРОДИЯ

Кул, қуёшли элда туғилиб,
Доно, олим бўлганинг-чун кул!
Бахтли элинг эркалаб-суюб,
Сенга меҳр қўйгани-чун кул!
Шундай кул-ки, сенинг кулгингдан
Ғунча гуллар очилиб кетсин,
Ҳиди ҳар ён сочилиб кетсин,
Жарангласин кенг, олтин Ватан,
Эй, эрка қиз!

Яйра,
шодлан,
кул,

Келажагинг, тунларинг ойдин,
Йўлларингда пояндоз нур, гул!

1940

СЕВГИ ҚАРИМАС

Мажнунтол сояси илк баҳор,
Севгимизга беланчак бўлди.
Мен севгимни этганда изҳор
Барглар чанак чалди, ой кулди.
Йиллар ўтди... Бизнинг севгимиз
Ҳамон яшар, ҳамон навқирон.
Аммо ўша гувоҳ мажнунтол
Қуриб битмиш беному нишон.

1946

ЕРНИНГ САВОЛИ

Розимисан, ёнингда қолиб
Тонгга қадар эртақ сўйласам?
Розимисан, меҳрингга қониб
Ўлгунимча бахтинг куйласам?

Розимисан, қаро кипригим
Сочларингга тароқ айласам?
Розимисан, юрак қонимдан
Қўлларингга хино бойласам?

Розимисан, жанг-майдон аро
Толеингни этсам ҳимоя?
Розимисан, душманни қора
Ер бағрига қилсам жо-бажо?

Мендан рози бўларсанми, айт,
Ҳалок бўлсам Ватан жангида?
Мотам ҳоли бўлармикан қайд,
Сен кияжак кўйлак рангида?!

1945

МЕН УЛМАЙМАН!

Мен улмайман,
Фақат бир жисмим,
Ўз тусини, шаклин йўқотур.
Мен яшайман,
Менинг менлигим
Атир бўлиб гулларга татир.
Тўлқин бўлиб зўр дарёларда
Ўқирдан қирга ошиб жўш урар.
Менинг товушим тонг саҳарларда
Шамол бўлиб богларда юрар.
Мен яшайман тотли мевалар
Лаззатида, ҳусни кўркида.
Мен яшайман улуғ халқимнинг
Ниятида, орзу, эркида.

1948

МАЖНУНТОЛ

Абдулла Қаҳҳорга

— Мунчалар, шунчалик кўркем шохингни
Қуёшга кўтармай пастга эгибсан?
Соябон мисоли ерга тегибсан,
Ер узра ёзибсан ўз қучоғингни!

Ё сенинг қуёшдан тилинг қисикми?
Ўзгалар рашидан кўркемасанми ё?
Ё кўркем қаддингдан қилдингми ҳаё?
Ё қуёш нафаси сенга иссиқми?

Севишган йигит-қиз этсин, деб суҳбат
Ё чодир қурдингми уларга атай?
«Уларни бегона кўздан беркитай»,
Дея ё қилдингми ўзингга ният?

Ё бошинг эгдими ҳасрат, алам, роз?
Ё ерга йиғлайсан ўз қисматингдан?
Мунчалар кўп экан ҳасратинг чиндан
Тугамас ўтса ҳам неча қишу ёз!

— На қайғу, на ҳаё, на ўзга нарса
Қаддимни этгандир ер узра чодир.
Мард дердим қаддимни бирор баҳодир
Шу хилда умрбод эгиб туролса!

Тупроқдан ниш уриб ўсдим кундан-кун,
Қуёш нурларида ўрдим кокилим,
Ва тонг елларида яйради дилим,
Охири умримга ясадим якун:

Улғайған тупроқдан йироқлаш уят!
Шу она тупроққа айтай деб раҳмат,
Бу йўлда чексам ҳам минг турли заҳмат,
Ер узра эгтанман атайин қомат.

Бу менинг меҳримдир, ташаккуримдир
Камолга етказган она тупроққа.
Қуй энди, эй, дўстим, тутма сўроққа
Дея: — Қоматингни эгтанлар кимдир?
1956

ГИЁҲ

Асқад Мухторга

Боғ йўлини кузакда қилгандим асфальт,
Гуёки тўшалган қора беқасам.
Қуёшда ёнади товланиб ялт-ялт,
Йилтиллаб қалқийди тушиб қолса нам.

Қиш ўтди, баҳорда қарасам мундоқ,
Остидан ниш уриб чиқибди гиёҳ.
Гиёҳки ингичка, нимжон, қўшқулоқ,
Ажабо, дедиму термилдим узоқ.

Сўнг билсам шу метин асфальтнинг ёрган
Гиёҳнинг ҳаётга зўр меҳри экан!
О, дўстлар, бу меҳр нақадар улкан!

1958

ДУСТЛИК ТАРИХИ

Сен дединг бир кун, эй, тожик дустим:
— Энг қадим халқлармиз қўшни ва сирдош,
Тоғдошмиз, боғдошмиз, сувдошмиз, қирдош,
Бу дустлик тарихин ким биларкин, ким?

— Бу дустлик тарихин гар қилсам баён,
Ҳайратда ёқасин тутади жаҳон.
Тарихин ёзмоққа тор келур осмон,
Етмайди гар бўлса Орол сиёҳдон!

Биз ўсиб улгайган бу она тупроқ,
Она-Ер тарихи гар қанча бўлса,
Шунчадир бу дустлик тарихи, ўртоқ,
Бу дустлик эртаси яна ҳам порлоқ!

16 ноябрь, 1959, Ленинобод шаҳри

Кеч эди.
Сен келдинг.
Ўтирдик икков
Энг яхши шеъримни ўқидим сенга.
Сўнг эса роялга ўтириб сен ҳам,
Бир ажиб куй чалиб, завқ бердинг менга.

Ўйлардим: роялнинг ҳар битта тори
Қалбимга туташу ундан куй олур!
Мен дедим: — Бу кимдан?
Дединг: — Глинка!
Бу куйдан руҳимга ёғди гўё нур!

Сен жўнаб кетдинг у тун бўйи у куй
Руҳимда яшади тарк этмай бирдам.
О, қандай билибди менинг қалбимни
Глинка юз йиллар бундан муқаддам!

СЕВИБ ҚОЛСАНГ...

Бу кўчадан ўтганман минг бор,
Бошқасидан фарқи йўқ сира.
Йўл бўйида тераклар қатор,
Охирида оқар шаршара.

Чироқлари столбаларнинг
Қулоғида мисоли зирак.
...Турар экан оқ кулбаларнинг
Биттасида шўх қиз Муборак.

Бодомқовоқ, бўйдор ва дуркун...
Кўплар ҳавас қиларкан уни.
Унинг билан танишдим бир кун,
Йўлин пойлар бўлдим ҳар куни...

Энди менга кўринар ажиб,
Кўндан таниш бу оддий кўча.
Кўнглим истар уйқудан кечиб,
Кезмоқ уни то тонг отгунча.

Севиб қолсанг, дўстлар, юракдан
Ўйларкансан кундуз, кечаси.
Жуда кўркам кўринар экан
Ҳатто ёрнинг оддий кўчаси.

УМР ЙЎЛДОШИМГА

Ешлингим тонгида сени учратдим,
Шу,— дедим,— кўкимда ёруғ юлдузим.
Умримни гул каби қўлингга тутдим,
Эй, умр йўлдошим, қуралай кўзим!

То катта тош йўлга чиқиб олгунча
Озмунча сўқмоқлар босиб ўтмадик!
Озмунча бўлмади юлдузсиз кеча!
Барига ишонч-ла боқа олдик тик!

Энди-чи, уч ўғил — фарзандимиз бор,
Сен — она, мен — ота, бахтиёр, мағрур,
Умримнинг тонгидан бўлиб миннатдор,
Истиқбол уфқига боқаман масрур!

Гар биров севгидан савол сўрсайди,
Номингни такрорлаб, «шу бахтим», дердим,
Мабодо яна бир умр кўрсайдим,
Инонки, шунда ҳам сени севардим!

1960

МЕН ЙЎЛГА ЧИҚАМАН

Мен йўлга чиқаман, айрилиқ яқин,
Бу ерда қолади дўсту ёр, яқин.
Эҳ, мени кутади Мирзачўл, қирлар,
О, йигит қалбимда орзулар чақин!..

Мен йўлга чиқаман, йўлимда баҳор,
Мен йўлга чиқаман, дилимда баҳор.
Кузатиб қолувчинг бўлса қўл силкиб,
Сафарга чиқмоқнинг ажиб гашти бор!

Бундан ҳам гаштлидир қайтган чоғингда
Қаршилаб олса ёр ташна лаб билан.
Чанқоғинг қондирса ошна лаб билан
Энтикиб-энтикиб кенг қучоғингда,

1959

О, ОНА...

Зулфияга

Кўз очиб оламга келгандан бери
Неларни кўрмади бу бошим менинг.
Озми-кўп танидим ҳаётнинг сирин,
Қирққа ҳам етибди бу ёшим менинг.

Йилдан-йил орттирдим талай дўсту ёр,
Ҳурматлаб дедилар, «дўстим», «ўртоғим»,
Улғайдим: кўксимга бош қўйиб дилдор,
У деди: «Бахтимсан, суянган тоғим!..»

О, она, ҳеч бири эмасдур ширин
«Болам!» деб бир оғиз айтган сўзингдан!
О, она, меҳрингда қуёш яширин,
Не ажаб гул унса ҳар бир изингда!

ҚОРАҚУМДА

Илк ұтган паровоз зарбидан чўлда
Саксовул шохидан қумлар тўкилди.
Минг йиллик саҳронинг қулоғи битиб,
Зўр келгач, қомати мангу букилди.

Эҳтимол машинист ўғли улғайиб,
Отага ёрдамчи бўлиб ўтган чоғ,
Бўлажак келини тарвуз узатиб,
«Бўлинг,— дер,— чўлдаги шу боққа қўноқ».

ҒАМХҶҮРЛИК

Бас, дединг етганда кўча бошига,
Шу ердан қайт дейсан менга ҳар сафар...
Томчилар йилтиллаб йўлка тошида
Бўлажак шарросдан берарди хабар.

Соябон узатиб, тутиб кет, дедим,
Уялиб бўлса ҳам олдинг қўлингга.
Сўнг отдим жадаллаб ёмғирда одим,
Гоҳида кўз ташлаб сенинг йўлингга!

Шу куни ёмғирга тоза ивидим:
Устингдан сув қуйсанг бунчалик бўлмас!
Лекин сен: «Бечора, ивигандир!» деб,
Кўнглингдан ўтказган бўлсанг мени, бас!

1960

ҲЕЧ ЭСИМДА ЙЎҚ

Тупроққа беланиб боғ кўчасида
Ҳаммомпиш ўйнаган чоғим эсимда.
Эртакка тўймасдан ёз кечасида
Кундузи қўймаган чоғим эсимда.

Еттига етмасдан тушган тишимни
Муъжиза топгандай сўзлайман ҳамон.
Мактабга илк марта борган қишимни
Кечаги кун каби эслайман ҳамон.

Ариқда оқизоқ қилиб нонимни
Ивитиб еганим йилни эслайман.
Муҳаббат маст қилиб ўсмир қонимни,
Илк марта узганим гулни эслайман.

Илк бўса мазаси лабда қолгандай
Тамшаниб қўяман баъзан ҳали ҳам...
Жанг қилган йилларим эсимда шундай,
Эсимда тутунга бурканган олам!

Ҳаммаси, ҳаммаси эсимда мутлоқ,
Ҳаммаси юракда мисли ўчмас чўғ!
Ва лекин сочимга оқ оралаган чоғ,
Рост айтсам, дўстларим, ҳеч эсимда йўқ.

Ереван, 1959

ГУЛ УЗМОҶЧИ БЎЛСАМ

Боғ кездим: атрофим чаман-чаман гул,
Ҳидига маст бўлиб бир-бир кузатдим.
Бир қизил раъноси бўлди-ю маъқул,
Узмоқчи бўлдим-да, қўлим узатдим.

Оқ тушган сочимни кўрди-ю боғбон
Одоб-ла қайтарди гулдан қўлимни.
— Қўй, тегма!— деди у,— ҳў... аллақачон
Сен узиб бўлгансан севган гулингни!

1959

ОҢ ҰРИК

Ҳовлида ўсарди бир туп оғ ўрик,
Энг пастки шохга ҳам етмасди қўлим.
Бир сакраб қўярдим қилиб болалик
Шу ўрик тагига гар тушса йўлим.

Болалик ел каби ўтди беармон,
Сочимга оралаб қолибди оғ нур...
Оғ ўрик ҳовлида ўсади ҳамон,
Ҳамон у кўркидан масрур ва мағрур.

Қўлларим етади энди шохига,
Шохларин эгаман истаган чоғда.
Ва лекин болалик қувноқ чоғига —
Қўлларим етмасдан ҳайронман доғда.

1959

ЛОЛА ТЕРГАН ҚИЗ

О, жонон, чиқибсан лола тергани,
Лоладай юзинг ҳам гул-гул очилган.
Лабларинг қирмизи гулни қочирган,
Лолалар багри доғ сени кўргани.

Мунча ҳам лолага ўч бўлмасанг, ёр,
Кўксингга дасталаб босмасанг мунча!
Тушингга кирдим лола бу кеча!
Боқ, гуллар кўксингда қилур ифтихор!

Шу даста лоладай менинг ҳам бошим.
Кошкийди, кўксингга босилса бир бор!
Ўзимни санардим мангу бахтиёр,
Ва сени дер эдим: — Бахтим, қуёшим!

СЕН ТАЪНА ҚИЛАСАН...

Сен таъна қиласан, ўлканг иссиқ деб,
Онанинг бағри, айт, бўлурми совуқ?!
Кўрсайдинг навбаҳор ёйганида сеп,
Кўрсайдинг мевалар пишганда тўлиқ.

Гар иссиқ бўлмаса, қоп-қора чарос,
Айт ўзинг, рангини қайдан оларди?
Гар иссиқ бўлмаса, чўғир, ананас —
Ширини тилингни қандай ёрарди?

Гар иссиқ бўлмаса, яхна кўк чойнинг
Қадрига унчалик етмасдинг сен ҳам.
Гар иссиқ бўлмаса, ўйноқи сойнинг
Бағрига ўзингни отмасдинг сен ҳам!

Гар иссиқ бўлмаса, юксак дарахтда
Сен севган лайлак ҳам топмасди ўрин.
Гар иссиқ бўлмаса, пишмасди пахта,
Мевалар унчалик бўлмасди ширин!

О, Сибирь гўзали, иқболи порлоқ,
Рост айтдинг: кўп иссиқ ўлкамнинг ёзи.
Инонки, ўлкамдек қалбим ҳам қайноқ,
Инонки, севгимдан бўласан рози!

1959

САҲРО ЧЕЧАГИНИНГ АРМОНИ

Саҳродан борардим ёлғиз бир ўзим,
Бир гузал чечакка назарим тушди.
Севинчдан чарақлаб яшнади кўзим
Ва чечак бандидан қўлларим қучди.

Шу маҳал у тилга кирди-да, деди:
— Уз, инсон, тортинма, уз, майли, сўлсам!
Саҳрода ўсгандан, оҳ, кошки эди,
Инсонлик боғларда бир гиёҳ бўлсам!

ҚАЛБИМНИ ҚАЙТАР ҰЗИМГА

Сен кетдинг кузда, қолдим кузатиб,
Елгиз бир ўзим.
«Омон қайт!» дедим қўлим узатиб,
Кўзингда кўзим.
Ўзим қолдиму юрагим сенинг
Измингда кетди.
Орзу-умидим, тилагим, сенинг
Кўзингда кетди.
Қайтар чоғингни кутдим интизор,
Кўзим тўрт бўлиб.
Шаҳардан қайтдинг айни навбаҳор,
Қалбинг ёт бўлиб.
Ўзинг ўша-ю, кўзинг ўша-ю,
Юрагинг бошқа.
Кўнглингга аста қўлим солсам, у
Ухшайди тошга!..
Лекин сен менинг қалбимни қайтар,
Қайтар ўзимга!
Кейин кўринма, эй, севги сатар,
Асло кўзимга!

ЎЙИНЧИ ҚИЗ

Мақоминг мунча ранго-ранг экан
Ҳой, ўйинчи қиз! Ҳой, ўйинчи қиз!
Хипча белларинг хивичдай эгиб,
Чилвир сочларинг ерларга тегиб,
Камон қошларинг чимириб, сузиб,
Гоҳо ўтириб ва гоҳо кезиб,
Шўх йўрғалайсан,

мисли тўрғайсан,

Ҳой, ўйинчи қиз!

Ҳой, ўйинчи қиз!

Йўқ, йўқ, ўйинмас, мен хато қилдим,
Гўё ажойиб эртақ сўйлайсан,
Гўё чеки йўқ ўйлар ўйлайсан,
Гўёки тилсиз қўшниқ куйлайсан.
Ҳой, ўйинчи қиз!

Ҳой, ўйинчи қиз!

Рақсингда ҳаёт, муҳаббат бордир,
Рақсингда юрак, матонат бордир,
Рақсингда висол ва нафрат бордир,
Рақсингда ором ва роҳат бордир,
Ҳой, ўйинчи қиз!

Ҳой, ўйинчи қиз!

Ўз ҳунарингда сен ҳам шоирсан,
Илҳом боғида эркинсан, ҳурсан,
Ҳой, ўйинчи қиз!

Ҳой ўйинчи қиз!

1959

СЕН ҚУЁШ БҰЛСАНГ...

**Сен дединг бир куни бошимга боқиб:
Саратон кезида тоққа ёғмиш қор!
Мунчалар бераҳм бўлмасанг, дилдор,
Мунчалар қийнадинг рашк ўтин ёқиб!**

**Чиндан ҳам ҳақинг бор тегишсанг, кулсанг,
Чиндан ҳам бошимда соч эмас, оқ қор.
Ҳаммаси бир кунда эриб кетар, ёр,
Сен бахтим кўкида бир қуёш бўлсанг!**

1960

ҚУЛУПНАЙ

Боққа чорладинг, эй иқболи ҳур,
Хуш дедим дарров.
Кулиб дедингки, энгашиброқ юр,
Кўрмасин биров.

Бошлаб бординг-да қулупнайзорингта,
Дединг: — Қани, ол!
Кўз ташлаб олиб ўнгу сўлингта,
Дединг: — Бемалол!

Боқар қулупнай чўғ бўлиб ёниб
Барглар оралаб.
Сен турдинг кулиб, мен едим қониб,
Роса саралаб.

Баъзида менга териб тутдинг-да,
Дединг: — Яхшими?
Мен дедим: — Асраб ўз хилватингда
Қўйганинг шуми?

Кўзимдан кўзинг олдинг-да, дарров
Қададинг ерга.
Қизариб кетдинг кўргандек биров,
Ва ботдинг терга.

Энди англасам бир имо экан
Уша учрашув.
Сени эсласам кўзим ёнаркан,
Юрак этар «шув!»

Ўша учрашув нақшдир қалбимда,
Эй, гузал дилдор!
Тутган қулупнайинг таъми лабимда
Ҳали-ҳали бор!

Ундай ширинин, ўйлаб қарасам,
Емабман кейин.
Ўша боғчани юзга кирсам ҳам
Унутмоқ қийин!

1960

СЕНИ СЕВДИМ

Сени севдим жону дил билан,
Сени севдим, бўлмадинг иқрор.
Сени севдим, ширин тил билан
Қиё боқиб ўтмадинг бир бор!

Йиллар ўтди, ўтди ёшлик ҳам,
Тинди қалбда жушқин урган қон.
Қалбим титрар ҳамон эсласам,
Ҳамон бордир кўнглимда армон!

Сендан олдин умрим тугаса,
Сен борсанки, демак, тирикман.
Ҳеч ишонма у ўлди деса,
Ҳаётингга доим шерикман.

Йўллариңда чечак учраса,
Яшнаб турса, бил, ўша менман.
Боғлариңда чаман барқ урса,
Нур уфурса, бил, ўша менман.

Эрта баҳор келиб қалдирғоч
Салом деса, бил, ўша менман.
Баҳор қадаб бошингга гултож,
Еллар эсса, бил, ўша менман.

Чанқовингни қондирса булоқ
Бағрин очиб, бил, ўша менман.

**Тунлар йўлинг ёритса чироқ
Шуъла сочиб, бил, ўша менман.**

**Кетолмайман ҳеч сендан йироқ,
Инонма сен менинг қабримга!
Аслида мен севган кунимоқ
Кўмилганман сенинг қалбингга!**

Ереван, 1959

ЧИНОР

Сени кўрсам рашким келади
Асрларнинг гувоҳи, чинор.
Балки бағринг сирга тўладир,
Балки битмас ҳикоятинг бор!

Асрлардан асрга салом
Олиб ўтган улкан ёшинг бор.
Булутлардан оқ попоқсимон
Кийиб олган нурли бошинг бор.

Баҳор келса атир улашиб,
Яна ҳуснинг очади жамол.
Ҳафта бўйи қолур адашиб
Қучоғингга бир кирган шамол.

Сен солганда бошларга соя
Саратонни унутар киши.
Бағринг гўё бир симфония
Унда сайрар минг ҳаёт қуши!

Мунча сахий, мунча кўркамсан,
Мунча савлат тўкиб турмасанг!
Мунча мағрур, мунча улкансан,
Мунча узоқ умр кўрмасанг?!

Сендай умр кўрсайдим кошки,
Кошки қилсанг сабабин ошкор...

**Сени кўрсам келади рашким
Юз йилларнинг сирдоши, чинор!**

**Чинор деди: нега тутай сир,
Тугри, ёшим уч юздан ўтган.
Менга узоқ умр бахш этган
Она-Ерга бўлган меҳримдир!**

ҚҰШНИ ҚИЗ

Мен сени биламан, гүзал, лобар қиз,
Гоҳида чиқасан китоблар сұраб.
Гоҳида учратиб кўчада ёлғиз
Нотаниш кишидек ұтасан қараб.

Таънага ўрин йўқ — кўздай қўшнисан,
Фақат сен «аъзосан» кутубхонамга.
Сен кирсанг нур тўлар азиз хонамга,
Сўнг билсам китобга чиндан ташнасан.

Китоблар танласам магазин кириб,
Кўзларим ўнгида турасан ўзинг.
Гўёки ёнимда ўйнатиб кўзинг
«Шуни ол!» деясан маслаҳат бериб.

Гоҳида чиқасан: қўлингда китоб,
«Боплапти! Чин ҳаёт!» — дейсан қувониб.
Ўзгасин танлашга тушасан ёниб,
Гўёки кўзингда порлайди офтоб.

Бугун ҳам китоб деб чиқдинг, азизим,
Аксига бўлмади сенбоп бир китоб.
Айт гүзал, юзларинг эдими офтоб,
Ўнга тик боқолмай бошим эгдим жим?

Хонамдан хўрсиниб чиқдинг китобсиз,
Ортингдан мен олдим чуқур бир нафас.
Оҳ, билсанг эди сен, бу гал китобмас,
Бу гал юрагимни олиб кетдинг, қиз!

ЁР КЕТИБ

Ёр кетиб, ортидан қараб қолибсан,
Қуралай кўзингда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Қалбингга бемаҳал алам солибсан,
Қалбингни ёритмас ҳаттоки қуёш!

Муҳаббат нур бўлиб қалбни ювмаса,
Айт, унинг қадрига етарми киши!
Қуй, дўстим, ўксима, агар севмаса
Ортига қайтмасдан кетгани яхши!

1960

ҚАЙЛАРДА ЮРИБСАН, ДУСТИМ!

Жанг бўлган ерлардан ўтиб борардим,
На битта окоп бор, на битта хандоқ.
На тешик бир каска, на бир ўрам сим,
На гильза, на патрон, на синиқ қўндоқ!

Бу ердан йилларнинг ижодкор қўли
Йўқотган урушнинг қонли изини.
Бу ерда барқ урар тинч ҳаёт гули,
Бу ерда ҳур сезар ҳамма ўзини...

Жанг бўлган ерлардан ўтиб борардим,
Баданим зирқираб кетди ногаҳон:
Медальон!

Бир зумга беҳушдек қолдим,
Ўйимда жонланди томчи иссиқ қон!

Қўлимга олдим қўлимни лекин
Куйдириб олгудек иссиқ туюлди,
У қонли йилларнинг даҳшати секин
Фикримга қўрғошин бўлиб қуюлди.

О, уни танидим: окопдош эди,
Ўт бўлиб ёнарди жангу жадалда!
Энг оғир дамларда у сафдош эди,
Энг оғир дамларда берарди далда.

У қўйиб ўз жонин ўлимга гаров
Ўлимдан қутқарган бир куни мени!

Номини эшитса титрар эди ёв,
Жонидан севарди туққан элини!

Қайларда юрибсан, бормисан омон?
Наҳотки, бағрига олган совуқ ер?
«Йуқ! Йуқ! Йуқ! У тирик!
Тирикдир ҳамон,
Яшаши шарт унинг!» — қалбим шундай дер.

«У тирик! Медальон тушиб қолган, бас!
Жанг чоғи энг олдда борганисимон
Илк сафда ҳозир ҳам борур бегумон!
Бошқача яшаши сира мумкинмас!»

Шу қирда, шу элда сенинг нафасинг,
Қайларда юрибсан, о, дўстим, ўзинг!

САДАҚАЙРАҒОЧ

О, менга отма, қўй, таъна тошини,
Мунчалик япасқи бўлиб ўсдинг, деб.
Мунчалик ёшликдан кериб тушингни,
Атрофга саноқсиз қўлинг чўздинг, деб.

Нимамга кеккай кўкка бўй чўзиб,
Қоматим бўлмаса кўз-кўз қилгудай!
Мевалар қилмасам, болалар узиб
Хомакдан талашиб, севиб егудай!

На менинг баргларим кўм-кўк ва кўркам,
На баҳор чоғлари хушбўй гуллайман.
На мени тарашлар севиб бир одам,
Шу сабаб шохларим ёнга йўллайман.

Шу сабаб ёйилиб ўсганман роса,
Унгандир кўп қалин шохлар поямдан.
Баҳр олсин кишилар, жилла бўлмаса,
Саратон кезлари қуюқ соямдан.

МЕВАЛИ ДАРАХТ

(Диалог)

— О, дўстим, қайғуга ғарқ бўлгансимон
Мунчалар қуйида бошинг ҳамиша?
Сен учун бегона бўлганми осмон!
Бошингни кўтариб юрсанг-чи, пича!

— О, дўстим, кеккайсанг ким яхши деяр,
Мағрурлик кўчасин, бил, боши беркдир.
Бил, дўстим, мевасиз дарахт кеккаяр,
Мевали дарахтнинг боши эгикдир.

ГОМЕРНИ ҲҶИБ...

Сен дединг бир оқшом Гомерни ҲҶИБ:
— Айт, шоир, чинданми Гомер кўр бўлган?
Мен дедим Ҳайратли кўзингга боқиб:
— Ҳа! Аммо қалбида минг кўз, нур бўлган!

1960

Б Е Т О Н

Сен бетон қуярдинг, мен назар солдим:
Меҳринг ҳам қоришиб кетарди бирга!
Зўр бино тушади худди шу ерга...
О, сенинг касбингга кўп қойил қолдим.

«Тўрт қават бўлади», дединг очиб лаб,
Юзингда кезарди ишонч ва виқор.
Бешни ҳам кўтарар ушбу пойдевор,
Сифатин кузатиб, курсам чамалаб.

О, шоир! Сенинг ҳам ёзган шеъринг
Шу бетон сингари қуйма, пухтами?
Ҳар сатр, ҳар бандда қалб омухтами?
Ҳар бетга томганми пешона теринг?

1960

ШОИР ОРЗУСИ

Шеърим тугаган замон қошимга
Келдинг-да, сен дединг: — Кунглинг тўлдими?
Салқин ел теккандек бўлди тўшимга,
Ҳамон сал титрарди торимнинг сими?

Қувондинг кўзимда мамнунлик кўриб,
Ва дединг: — Айт, яна қандай орзунг бор?
— Кошкийди бир байтин севиб кўчириб,
Қиз севган ёрига этсайкан ёдгор!

1959

КЕЛ, ЖОНИМ, БЎСТОНИМГА!

Кел, кел, жоним, бўстонимга,
Бўстон эмас, ўз ёнимга.
Ишқинг мени мафтун этмиш,
Жабр қилма ёш жонимга.

Ишқинг сенинг ошу ноним,
Умид орзу ва армоним.
Йўллларингга кўзим муштоқ,
Кел, азизим, кел, кел, жоним!

Гул очилган баҳорда кел,
Шом бўлмаса, наҳорда кел.
Майли, ёзда вақт топмасанг,
Чана ҳайдаб қиш-қорда кел!

Сенинг келган кунинг, эркам,
Менинг учун бўлур кўклам.
Мирзачўлнинг фасллари
Ёмони йўқ, бари кўркам.

Кел, кел, жоним, бўстонимга,
Бўстон эмас, ўз ёнимга.
Боғ тўрида шоҳсурам бор
Йўқлаб келган меҳмонимга.

СОҒИНГАНДА

(Қўшиқ)

Хў кўринган у тоғмикан,
Уртаси гул-гул богмикан,
Чўлга кетган ёргинамнинг
Тани жони, оҳ, соғмикан?

Тоғ ёқалаб борсаммикин?
Боғ ёқалаб борсаммикан?
Қучоқ очиб қарши олса,
Қошларида қолсаммикин?

Қошларида қолар бўлсам,
Боқиб-боқиб толар бўлсам,
«Кел, ортиқча қийнама, ёр,
Севар бўлсанг тўй қил!» десам.

Бўз ер очсак бирга-бирга,
Қора сочим тегиб ерга.
Манглайини артиб қўйсам
Ботганида қора терга.

Кут, ботирим, чиқдим йўлга,
Умид-орзум туғиб дилга.
Севгимни ҳам олиб кетдим,
Сен яшнатган бўстон чўлга.

ИХТИЁРИМ ҚЎЛИНГДА

Анжир пишган боғларингга олма отсам майлими?
Рўпарамдан ўтиб қолсанг, сўзлар қотсам майлими?
Олма отмоқ баҳонадир, муддаойим сен ўзинг,
Юрагимга ўт ташлаган ўтган баҳор шўх кўзинг!

Чигитингни экиб бердим ўшанда, ёр, дўндириб,
Ишлов бердим, ўнг чаккамга чуст дўппимни қўндириб.
Куз келганда бункеримни бўшатгансан ўзгинанг,
Қулоғимда: «Яшанг, ака!» деган ширин сўзгинанг!

Шундан бери қайга борсанг, кўзим бўлар йўлингда,
Ўтга ташла, сувга оқиз—ихтиёрим қўлингда!
Не сабабдан севдинг дея сўроқ этма, эй жонон,
Юрагингга баҳор кўрдим, кўзларингга саратон.

ЮРАГИМНИНГ КЎЗИ БОР

Юрагимнинг кўзи бор, эркам,
Сени топди минг қиз туپидан.
Рост! Рост, дея тасдиқласанг ҳам,
Йўқ! Йўқ, дейсан қалбинг тубидан.

Сени қандай танлаб олди, айт,
Юрагимнинг кўзи бўлмаса!
Сени қандай севиб қолди, айт,
Агар айтар сўзи бўлмаса!

ГУЛНИНГ ИЗОҲИ

О, менинг тиканим ўткирдир чиндан,
Чиндан ҳам бетикан бўлмайман сира.
Фақат бир илтимос қилайин сендан,
Дўстларга шу сўзим етказсанг зора.

Тиканим қаҳримдир, айшини чоғлаб,
Қадримга етмасдан узган кишига.
Тиканим ботмайди севиб, ардоқлаб,
Ҳурматлаб қим мени тақса кўксига!

Қим кўрмиш севганга бир тикан раво!

ҚҰШНИМНИНГ МУШУТИГА

(С. Есенинга ўхшатма)

О, мушук, нақадар думларинг бароқ,
Бир шарпа сездими дарров бўлар динг.
Кузларинг тунлари гўё қўшчироқ,
Ўзингга ярашар ўсиқ мўйловинг.

Меҳмонлар келганда қошига бориб
Эркалик қиласан «миёв»инг чўзиб.
Юнгингни силаса қўлига олиб,
Хуррагинг отасан кўзларинг сузиб.

Меҳмонлар ичида бир жонони бор,
Шу жонон ишқида кўпдан бедорман.
Бир огиз сўзига муштоқман, зорман.

Умрбод бўлардим сендан миннатдор
Шу жонон келганда мен учун, эй, Мош,
Бир марта, оҳ, қўйсанг тиззасига бош!

МЕН ЭНДИ ИҚРОРМАН...

Мен сени мақтамоқ бўлдим-да, гўзал,
Минг турли сўзларни олдим қаламга.
Ўзимча тасвиринг чиздим муфассал,
Гуёки ҳайкалинг қўйдим оламга!

На кўзинг қолди-ю, на хипча белинг,
На чилвир сочларинг шивир-шивири...
Кўзларим тўрт бўлиб кутади йўлинг
Жамолинг тасвири битгандан бери.

Бир маҳал кўриндинг қуёшдай болқиб,
Нақадар ҳаётбахш ҳар битта сўзинг!
Мен энди иқрорман ҳуснингта боқиб,
Шеъримдан минг марта гўзалсан ўзинг!

ЙИГИТИМ АЗАМАТ ДЕБ

«Севганинг ким ўзи?» — беришса сўроқ,
Мақтаниб дебсанки: «Азамат йигит,
Қарашда лочину, қудратда бургут,
Елкаси кўтарар қулаб кетса тоғ!
Чўлларда яратган чаман боғлар у!»
— О! Мунча кўкларга кўтардинг, эркам!..
Азамат, деб мени қийнама кўп ҳам,
Юз тоғдан оғирдир бир кичик қайғу!

Б И Р О Қ

Гул, дединг, йўлингда яратдим бўстон,
Сув, дединг, чўлларда оқиздим дарё.
Сев, дединг, ишқингда фидо дедим жон,
Боқ, дединг, кўзимдан нур олди дунё.

Ёр, севгинг ҳамиша йўлимда чироқ,
Мафтунинг юрагин ўртама кўп ҳам!
Бониқалар тош отса билинмас, бироқ
Мен учун огирдир сен отган чўп ҳам!

СЕВГИМГА ИШОНСАНГ БАС!

**Севгимдан гумонинг бордир, биламан,
Бу балки бир марта тилинг куйгандан.
Бог десанг йўлингда яратай чаман,
Бу бари мен сени жондан суйгандан.**

**Инонки, гар сени севмасам жондан
Сен босган ҳар тошни бир ўпармидим!
Мен сени ардоқлаб ғубордан, чангдан
Йўлингга ҳар кун и сув сепармидим!**

**Гар жондан севмасам ҳар шому сабо
Йўлингга интизор боқарми кўзим?
Ўл, десанг, ўлимга тайёрман,
аммо
Севгимга ишонсанг басдир, азизим!**

ИККИМИЗ КЕЗАРДИК

Иккимиз кезардик боғни ёнма-ён,
Ҳар ғунча боқарди бизга кўз сузиб.
Ажойиб бир гулни кўрганим замон
Мен дедим: — Шу гулни берайми узиб!

«Увол!» деб рад этдинг.

Мен қолдим ҳайрон.

Мунчалик раҳмдил бўлмасанг, киши!
Бу ерда чарақлаб тургандан, инон,
Кўксингда қовжираб сўлгани яхши!

ИЛК СЕВГИНИНГ ЯРАСИ

Илк марта мен сени севганлигим рост!
Қалбимда жуш уриб севги, эҳтирос
Йўлингни кутардим кунда интизор.
Аммо бу кутишим бергандек озор
Сен ўтиб кетардинг, ёр, чимириб қош,
Менинг-чи, кўзимдан тирқирарди ёш...
На чора! Тақдирнинг ҳукми шу экан!
Қалбимга ботганча қолди у тикан.
Ёнидан жой олди ўзга бир жонон,
Аммо сен яшайсан кўнглимда ҳамон.
Ҳамон бор дилимда жароҳат изи,
У сени эслатар келганда кези...
«Қани, шу яранинг изини кўрсат!»
Деб мендан сўрасанг топиб бир фурсат,
Кўрсатиш, албатта, менга оғирдир...
Боқ бунга,

буларда ўхшашлик бордир:
Бу яра фронтдан, илк жангдан ёдгор
Бу яра изи ҳам ўчмайди зинҳор.
Фарқ шуки, бу жангда чиққанман ғолиб!
Сен берган ярадан қолганман нолиб...

Бахт етаклаб келди ёринг остонангга, ёр-ёр,
Бахт қуёши шуъла сочган пешонангга, ёр-ёр,
Бахтли ёшлик тантанаси — тўй кечаси, ёр-ёр,
Байрам руҳи билан яшнар ёр кўчаси, ёр-ёр.

Қанча қўшиқ, ялла айтсак тўйингда оз, ёр-ёр,
Йўлларингда нур пояндоз, гул пояндоз, ёр-ёр.
Севги билан қовушганлар умри бақо, ёр-ёр,
Бизнинг юртда инсон азиз, ҳур, бебаҳо, ёр-ёр.

Озод инсон меҳнатидан юрт ободон, ёр-ёр,
Ер юзида энг кўркам юрт бизнинг Ватан, ёр-ёр.
Ватанимиз шарафига жонлар фидо, ёр-ёр,
Шуҳратини йиллар куйлар, бўлмас адо, ёр-ёр.

МАЙЛИ, БАХТИЁР БЎЛ

Сувга боқдим, олиб кетди ўйларимни,
Шамол келиб юлқиб кетди куйларимни.
Рўпарамдан бир қиз ўтди — қирқ кокилли,
Деган каби: «Кўриб қўйгин бўйларимни!»

Қадди расо, ўзин эса ғунча дейсан,
Истарасин иссиқлиги кунча дейсан.
Кўзларининг порлашини кундуз десанг,
Қошларининг қоралигин кеча дейсан.

Меҳр қўйиб, шу жононни севсаммикан?
Деса агар: «Тенгиммассан, бўлма тикан»,
Ўтиб кетган қирчиллама ёшлигимнинг
Орқасидан йўрга миниб қувсаммикан?

Йўрга миниб қувардим у етолмайман,
Йўллар олис, тоғлар баланд — ўтолмайман.
Майли, соғ бўл, бахтиёр бўл, эй жонона,
Зўрлаб севгинг этагидан тутолмайман!

1959

ШЕЪРЛАР КИТОБИМ ҲАҚИДА

Мен шоирман. Истайманки,
Шеърларим бўлсин китоб.
Ҳар ўқувчи йўлларини
Ёритсин у мисли офтоб.

Майли, ишчи қора мойли
Қўлларида тутсин уни;
Майли, сувчи тўлин ойли
Кечалари титсин уни;

Майли, чўпон тизма тоғли
Яйловларга олиб кетсин;
Майли, сапёр поход чоғи
Тўрвасига солиб кетсин;

Майли, ҳали ҳарф танимаган
Бола бузиб ўқиса ҳам;
Майли, уни манман деган
Зўр танқидчи бўш деса ҳам;

Лекин сатанг эрмак қилиб
Ўқишига розимасман.
Меҳнат севмас ёдлаб келиб,
Гар мақтаса, рост демасман!

5 декабрь, 1960

ЯШАСИН ТИНЧЛИК, ИНСОН ВА КЎКЛАМ!

Тоғлардан шилдираб оққан ирмоқлар
Қорликлар саломин олиб келади.
Майсадан кўк нуқра тутган қирғоқлар
Баҳорга ташаккур айтган бўлади.

Майни ҳам етаклаб келади баҳор,
Қўйнида ранго-ранг, қучоқ-қучоқ гул.
Кўзида саратон ҳарорати бор,
Лабида табассум, дейди: — Сен ҳам кул!

Қирда ҳам, тоғда ҳам баҳор нафаси,
Пахтакор водийда мағрур кезади.
Баҳорни етаклаб пахтакор ўзи,
Баҳорга кундалик режа тузади!

Баҳорнинг бир куни куздай салмоқли,
Ҳафталар юкини тутар кифтида.
Баҳорнинг ҳар они мойли, қаймоқли,
Олтин бор, гавҳар бор ҳар бир кафтида!

Баҳорда улғайиш, яшариш, униш,
Баҳорда камолот, севги, тинчлик бор.
Тинчликнинг ишқида ўртаниш, ёниш,
Ватандош дўстимда шонли ифтихор.

Баҳор бу май демак, май эса мағрур —
Инсоннинг ақлига, кўркига кўрик.
Инсоннинг ақлида қуёш қадар нур,
Ер қадар сахийлик бор, сувдек мўллик!

Ихтиёр этаркан, ой ерга тушиб,
Сув кўкка шилдираб оқмоғи мумкин.
Ихтиёр этаркан, қуёшга учиб,
У ердан денгизга боқмоғи мумкин.

Ихтиёр этаркан, уришқоқ зотни
Умрбод тизгинлаб қўймоғи мумкин.
Ихтиёр этаркан, бу коинотни
Билай деб тарвуздай сўймоғи мумкин.

Мен инсон идроки, истаги, кучи,
Қалбига ишониб, жондан мафтунман.
Аминман, бузилмас дунёнинг тинчи,
Аминман, соврилмас кўкларга чаман!

Аминман, инсоннинг идроки ғолиб,
Бу жаҳон буркана нар нурга, чечакка.
Бу жаҳон кундан-кун яшнаб, юксалиб,
Мардона боқади соф келажакка!

Боқ, ана, ўтмоқда музаффар парад,
Ўтмоқда тинчликнинг метин қатори.
Ўтмоқда келгувси — ҳу, кичик Марат,
Ғалаба байроғин тутиб юқори!

Ўтмоқда бахтини жангларда сақлаб,
Меҳнатда тобланган оқ сочли авлод.
Ўтмоқда ёшлигин севиб, ардоқлаб,
Истиқбол эгаси навқирон ҳаёт.

Парадда кўраман яшаш кўркини,
Балоғат кучини, баҳор шодлигин.
Ишонч-ла кўраман башар эркининг
Ва тинчлик ҳуснининг абадийлигин!

Қалбимдан қувониб дейман ҳайқириб:
— Яшасин бу тинчлик, инсон ва кўклар!
Жаҳон дер фикримга акс-садо бериб:
— Амин бўл, бу тинчлик бузилмас ҳеч ҳам!

1960

ДУСТИМГА ДЕГАНИМ

Гар менинг умримдан савол сўрасанг,
Кўп узун изоҳга ўрин йўқ, дўстим!
Баҳорда туғилдим, баҳорда ўсдим,
Баҳор деб фронтда қилдим қонли жанг!

Баҳорда улғайдим, баҳорни куйлаб,
Баҳорли ҳаётда умр кечирдим.
Нимани ҳис этса бу баҳорий қалб,
Баҳорий руҳ билан оққа кўчирдим.

Шу учун гул, севги шодлик қўшиғим,
Шу учун ҳамиша олчи ошиғим!

1960

Бу ердан ўтганман солдат чоғимда,
Ҳар онни ўлимга қўйиб бир гаров.
Эркимга қасд қилиб, сўлу соғимда
Даҳшатдан қон қусиб, ўқ узарди ёв!

Зарбимдан титрарди тоғу тош, осмон,
Боғларнинг кўркидан қолмаган нишон.
Тупроққа қоришган гул, чечак, инсон,
Қон билан, жон билан олинарди шон!

У йиллар даҳшати, дўстим, беқиёс,
Номи бор, ўзи кул қишлоқлар кўрдим.
Кўмирдек қоп-қора бошоқлар кўрдим,
Ҳар бири дер эди: қасос ол, қасос!

Илондек тўлғаниб кетган сўқмоқлар,
Қон сачраб тусини йўқотган чечак;
Баҳорда бемаҳал сўлган япроқлар,
Кўприги портлаган мунгли шаршарак;

Бомбадан йўл узра қулаган харсанг,—
Ҳаммаси ҳали ҳам эсимда шундоқ.
Эсимда қуёшни тўсган тутун, чанг,
Гўёки ҳали ҳам куйдирар димоғ!

Эсимда: мурдалар устидан ҳатлаб,
Заъфарон боғлардан ёв қувиб юрдим.
Зўр эди ирода, ишонч ва матлаб,
Офарин, барига дош бердинг, юртим!